

## **АНАЛИЗ РЕЗУЛЬТАТОВ ГИГИЕНИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ СЛУЧАЕВ ПИЩЕВЫХ ОТРАВЛЕНИЙ**

**Низом Эрматов<sup>1</sup>**  
**Азамат Мустанов<sup>2</sup>**

<sup>1-2</sup>Ташкентская медицинская академия  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7457177>

В последние годы в Узбекистане участились случаи отравлений среди населения. За 2017-2019 годы зафиксировано 154 таких случая, в результате которых пострадали 1700 граждан, в том числе 665 детей. 15 человек погибли. Во многих случаях это связано с тем, что залы бракосочетаний, кухни, кафе, рестораны и другие заведения общественного питания строятся не по проектам санитарных требований. Кроме того, отсутствуют условия для надлежащего хранения продуктов питания, а оборудование кухонь дошкольных образовательных учреждений не соответствует требованиям. Работники общепита в Ташкенте не проходят периодические медицинские осмотры, повара и помощники не имеют знаний и понимания технологических требований к приготовлению пищи. В ходе исследований установлено, что 1533 дошкольных образовательных учреждения республики используют привозную питьевую воду.

Ключевые слова: Статистика пищевых отравлений, система индикаторов пищевых отравлений, потребление пищевых продуктов, статистическая оценка пищевых отравлений.

Муаммонинг долзарблиги. Озиқ-овқат маҳсулотларидан захарланмаган ёки унга дуч келмаган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Айниқса бу нохуш ҳолат, аксарият саёҳатчилар, сафарда юрганларда кўпроқ учрайди. Бунга сабаб уларнинг ҳар доим ҳам гигиена талбларига риоя қила олмасликларидир. Бундай ҳолларда бактериал интоксикация келиб чиқиши тайин. Шунинг баробарида, тропик давлатларда дам олиш маҳали танаввул қилинадиган нотаниш ва организм ўрганмаган таомларни айтиш мумкин. Илик ва нам иқлим шароитида турли касаллик чақирувчи микроорганизмлар ривожланмоқда.

Озиқ-овқатдан захарланиш ва токсика инфекцияларнинг олдини олишда тайёр овқатларга захарловчи моддаларнинг кириб келишининг олдини олиш озиқ-овқатда патоген микроблар ва уларнинг токсинларини кўпайтириш ва тўплаш имкониятини олдини олиш, озиқ-овқатда патоген микроблар ва уларнинг токсинларини йўқ қилиш; озиқ-овқат

маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотишда санитария-гигиена, технологик режимларга қатъий риоя қилишни талаб этади[3, 4]

Тадқиқотнинг мақсади. Аҳолининг турли этиологияли озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиш сабабларини аниқлаш, озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиш ҳолатларини текшириш ва профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқот материал ва усуллари. Назорат остига олинган озиқ-овқат корхоналарни кунлик нормаларни СанМваҚ 0366-19 «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигининг гигиеник нормативлари» [3] санитария меъёр ва қоидалари талаблари бўйича амалга оширилди. Кунлик рационда асосий озиқа моддалар қиймати «Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги гигиеник нормативлари» бўйича ҳисобланди [1].

Жаҳон озиқ-овқат касалликларини баҳолаш тадқиқоти шуни кўрсатдики, Эвропада ҳар йили 23 миллиондан ортиқ одам хавфли озиқ-овқатларни истеъмол қилиш туфайли касал бўлиб, 5000 киши вафот этади. Озиқ-овқат юқадиган касалликлар орасида салмонеллез алоҳида ўрин тутди, бу ҳар йили 2 мингга яқин ўлимга сабаб бўлади.

Республика бўйича 509 минг 489 та озиқ-овқат намунаси лаборатория текширувидан ўтказилганда, 22 минг 661 таси санитария қоида ва меъёрларига жавоб бермаслик ҳолатлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Олинган натижаларнинг таҳлили. Республикмизда 2017-2018 йилларда 1190 нафар фуқаро овқатдан заҳарланган, шундан 222 нафар болада заҳарланиш ҳолати қайд этилган. Ачинарлиси, уларнинг 9 нафари вафот этган. Уюшган жамоаларда гуруҳли овқатдан заҳарланиш 2017 йилда 8 та, 2018 йилда эса 7 та ҳолатда қайд этилган. Шулардан 4 таси мактабгача таълим муассасаларида рўй бериб, 73 нафар бола “ўткир диарея, дизентерия” ташхиси билан шифохонага ётқизилган. Сўнгги икки йилда жами 102 минг 44 та умумий овқатланиш ва озиқ-овқат савдо объектидаги 54 минг 62 нафар ишчи тиббий кўрикдан ўтмаганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотларини лозим даражада сақлаш учун шароитлар мавжуд эмас, мактабгача таълим муассасалари ошхоналарининг жиҳозланиши ҳам талабларга жавоб бермайди. Тошкент шаҳрида умумий овқатланиш ходимлари даврий тиббий кўрикдан

ўтмайди, ошпаз ва ёрдам берувчи ходимларнинг овқат тайёрлаш бўйича технологик талаблар тўғрисида билим ва тушунчалари йўқ.

Хулоса. Аҳоли орасида озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиш ҳолатлари бўйича тўшунтириш ўтказилиб, бундан ташқари аҳоли орасида ўткир диарея, дизентерия билан касалланишга ҳолатларининг олди олинади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.0366-19 «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигининг гигиеник нормативлари Тошкент, 2019.
- 2.Холодинская В. А. и др. Экспертиза пищевых отравлений //Наука. Образование. Инновации. – 2021. – С. 147-153.
- 3.Кенжаева Д. К. Пищевое отравление и способы его профилактики и утилизации //Мировая наука. – 2020. – №. 4. – С. 273-276.
- 4.Stefanelli G, Viscido A, Longo S, Magistroni M, Latella G. Persistent Iron Deficiency Anemia in Patients with Celiac Disease Despite a Gluten-Free Diet. //Nutrients. 2020 Jul 22;12(8):2176